# Qishloq HAYOTI

2003 YIL 28 NOYABR, JUMA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№145 (6.670). Sotuvda erkin narxda


# БУЮК АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

***Бухорода улуғ аллома Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги кенг нишонланди***

Ўтган ўн икки йилнинг ҳар бир куни эсда қоларли. Биз бу кунларни узоқ кутдик. Изтироблар оралаб, узоқ йўл юриб етганмиз бу кунларга. Ризонинг боши сабр экан. Истиқлол сабримизни саодатга улади. Шу боис нафақат биз хурсандмиз, айни чоқда истиқлолни орзу қилган боболаримизнинг руҳи ҳам шод.

Юртбошимизнинг миллат ўтмишига юксак эҳтироми, келажагига қатъий ишончи сабаб ўтган 12 йилда тилимиз, асрлардан асрларга ўтиб келаётган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, динимиз қайта тикланди. Муқаддас қадамжолар ободонлаштирилди. Айниқса, буюк боболаримиз ҳаётига, уларнинг инсоният цивилизациясида муҳим ўрин тутган ижодий меросига катта эътибор қаратилмоқда. Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек каби улуғ алломаларимизнинг тўйлари халқаро миқёсда кенг нишонланди. Бу миллий ғурур ва ўзликнинг уйғонганидан далолатдир.

...Ўтган йилнинг октябрь ойида Президент Ислом Каримов Бухорога ташрифи чоғида Ғиждувон шаҳрида ҳам бўлиб, Ғиждувоний қадамжоларини зиёрат қилди. Орадан кўп ўтмай, 2002 йилнинг 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Мамлакатимизда, айниқса, Бухорода кутлуғ тўйга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Бу сананинг ЮНЕСКО қарори билан халқаро миқёсда нишонланиши Ғиждувоний ҳазратлари илмий меросини ўрганиш борасидаги янги тадқиқотларга имконият яратди. Юбилей муносабати билан аллома ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий анжуманлар ўтказилди, янги китоблар нашр этилди.

Нақшбанд ва Ғиждувоний мақбара-мажмуалари атрофида улкан боғ барпо этилди. Ғиждувондаги Улуғбек мадрасаси қайта таъмирланди. Бу ишларни бажаришда Хоразм, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятларидан келган қўли гул усталар фаол қатнашди.

(Давоми 2-бетда)



## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЗИЁРАТГОҲИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар, ҳурматли меҳмонлар!

Бугун юртимизда кутлуғ Рамазон ҳайити давом этаётган муборак кун, улуғ бир айём.

Авваламбор, шу муқаддас байрам билан сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Шу табаррук кунларга эл-юртимизни эсон-омон етказгани, бизга буюк аждодларимиз руҳини шод этиш йўлида савобли ишларни қилиш насиб этгани учун Оллоҳ таолога беҳад шукроналар айтамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун эрталаб биз беназир авлиё Абдулхолиқ Ғиждувоний қадамжосини зиёрат қилиб, ул зотга бўлган ўз ҳурмат-эҳтиромимизни бажо келтирдик ва ҳозир ҳам ана шу ўчмас таассурот оғушида турибмиз.

Бу улуғ аждодимиз шарафига унинг она шаҳри бўлмиш Ғиждувонда амалга оширилган катта бунёдкорлик ишларини, айниқса, бобомиз мангу ором топган жой том маънодаги зиёратгоҳга айланганини кўриб, ўйлайманки, ҳар бир юртдошимиз қалбида чексиз қувонч, ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлардан мамнунлик ҳисси уйғонади.

Мана, неча юз йилларки, Ғиждувоний ҳазратлари ўзининг ноёб ақл-заковати, собит эътиқоди, беқиёс инсоний фазилатлари билан дунёда Хожаи Жаҳон - жаҳон аҳлининг пири деб улуғлаб келинади.

Бир умр ҳалол меҳнат қилиб, оддий халқ ичида, оддий касб-кор билан камтарона ҳаёт кечирган бу мўътабар сиймонинг Оллоҳ йўлидаги буюк хизматлари бугун - орадан тўққиз аср ўтганидан кейин ҳам - бутун мусулмон оламида юксак эътироф этилаётгани бежиз эмас.

Шу сабабли биз Абдулхолиқ Ғиждувоний қолдирган ўлмас меросни чуқур ўрганиш, англаш, халқимиз орасида кенг ёйиш, бу бебаҳо бойликни фарзандларимизга ҳам етказишни ўзимиз учун муқаддас бурч, деб биламиз.

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз мана шундай улуғ боболаримиздан яна бири бўлмиш Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг янгитдан бунёд этилган қадамжоси пойида тўпланиб турибмиз.

Ушбу табаррук масканда бир йил мобайнида олиб борган кенг кўламдаги қурилиш ва ободончилик ишларимиз натижасида бу жойнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Айниқса, миллий ва замонавий услубда яратилган гўзал бинолар, муҳташам айвон, мовий гумбаз ва пештоқлар, нақшинкор дарвоза ва устунлар, бир сўз билан айтганда, чинакам санъат асари бўлган бу мажмуа ҳар қандай одамни ҳайратга солиши шубҳасиз.

Буюк бобомизнинг юксак обрў-эътиборига муносиб тарзда, ўз қўлимиз билан барпо этган бу меъморий мўъжиза тимсолида биз аввало замонлар ва авлодлар ўртасидаги узвийликни, халқимиз даҳосининг боқийлигини кўрамиз десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Агар шу қисқа вақт ичида Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг муқаддас қадамжоларида қилган ишларимизга баҳо берадиган, уларнинг ҳажми ва миқёсини сарҳисоб этадиган бўлсак, бу ишларга амалда йиллар, балки ўн йиллар керак бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Савол туғилади: барчани ҳайратда қолдирадиган бундай улуғвор ишларни жуда қисқа муддатда бажаришга муяссар бўлганимизнинг боиси нимада?

Бунинг боиси, авваламбор, юртимиз тупроғида хоклари ётган пири комилларимиз, азиз авлиёларимизнинг арвоҳлари, руҳи поклари доимо бизнинг ёдимизда, қалбимизда яшаб келаётганида, барча эзгу интилишларимизга Яратганнинг ўзи мададкор, халқимиз ибораси билан айтганда, дилкушод бўлаётганидадир.

Шу билан бирга, бу борадаги даъватларимизнинг халқимизга етиб боргани, одамлар юрагида акс садо берганини ва эл-юртимиз бу эзгу ташаббусларни чин дилдан, бутун борлиғи билан қўллаб-қувватлагани ҳам айни ҳақиқатдир.

Қарангки, бундай хайрли ишларга маблағ ҳам топилар экан, лойиҳаларнинг энг гўзал, энг мукаммал шакллари ҳам пайдо бўлар экан. Бунга ҳисса қўшишни ўз виждони, ўз аждодлари олдидаги муқаддас бурч деб биладиган қанча-қанча одамлар бел боғлаб майдонга чиқар экан.

(Давоми 2-бетда)

# ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24-26 ноябр кунлари давлат ташрифи билан Болгария Республикасида бўлди.***

Ўзаро ҳамкорлик истиқболларининг устувор йўналишларини белгилаб олиш, ҳуқуқий асосни кенгайтириш, жамият ва иқтисодиётни ислоҳ этиш борасида тажриба алмашиш, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш мақсад қилинган ушбу ташриф Ўзбекистон-Болгария муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. 14 ҳужжат имзолангани дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳидаги алоқаларнинг барқарорлиги ва давомийлигига яна бир тасдиқ бўлди.

Ўзбекистон учун Болгария билан ҳамкорлик ҳар томонлама муҳим аҳамият касб этади. БМТ Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзоси, 2004 йили Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг раҳбарлигини қабул қилиш ва НАТОга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиш арафасида турган бу мамлакатнинг Ўзбекистонга хайрихоҳлиги биз учун катта имкониятлар эшигини очади.

Давлат ташрифи асносида Ўзбекистон раҳбари Болгария Республикаси Халқ йиғини раиси Огнен Герджиков билан музокара ўтказди. Учрашувда Ўзбекистон билан Болгария ўртасида парламентлараро муносабатларни ривожлантириш, икки томонлама ҳамкорликка оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш каби масалалар муҳокама этилди.

Ислом Каримов Болгария Бош вазири Симеон Сакскобургготский билан учрашди. Музокарада асосан савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Болгария дўстлик ришталари мустаҳкам, қарашлари уйғун мамлакатлар билан алоқаларини янада ривожлантириш ниятида. Ўзбекистон Болгария учун шундай мамлакат ҳисобланади.

Мамлакатлар хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида ҳам бир хил фикрда. Ўзбекистон каби Болгария ҳам ўз минтақасида наркотик моддалар контрабандаси йўлидаги энг катта тўсиқ саналади, халқаро аксилтеррор коалициясини дадил қўллаб-қувватлаган давлатлардан.

Президентлар муҳокама этилган барча масалалар бўйича томонларнинг қарашлари ўхшаш ва яқин эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Болгария бир-бирини узоқ муддатли ва ишончли шерик деб билишини қайд этди. Ислом Каримов Болгариянинг халқаро майдондаги нуфузини кузатиб келаётганини айтган бўлса, Георги Парванов мамлакатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг барқарорликни сақлашдаги аҳамиятига юксак баҳо берди.

Ўзбекистон-Болгария муносабатларининг янги поғонага кўтарилишида икки давлат раҳбарининг хизмати беқиёс. Ташриф юксак савияда ва самарали ўтгани уларнинг ҳамфикрлиги, ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижаси, десак, ўринлидир. Сафар чоғида Ўзбекистон раҳбари Болгария давлатининг юксак мукофоти - «Старо планина» ордени билан, Георги Парванов эса Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Учрашувлардан бирида мамлакатимиз раҳбари Болгария томонининг бир фикрига гўзал тузатиш киритди. Яъни, бу мамлакат София наздидаги каби «Улкан Европа бозорига кичкина эшик» эмас, ҳақиқий дарвоза, мустаҳкам кўприк бўлиши керак. Ўзбекистон унинг учун Осиёдаги таянч нуқта вазифасини бажаришга тайёр.

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор берилди. Чунки икки томонлама савдо ҳажми томонларни бирдек ташвишга солиб турган эди. Бу борадаги кўрсаткич 10 миллион АҚШ долларига ҳам етмаётгани кўплаб имкониятлар ишга солинмай келаётганини кўрсатади. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, 5-10 миллион долларлик кўрсаткичга битта шартнома билан ҳам эришиш мумкин.

Савдо ҳажми камлигига қатор сабаблар бор. Аввало, ҳуқуқий асос такомиллашмаган. Гап икки томонлама солиқ солишнинг олдини олиш, сармояларни ҳимоялаш ва кафолатлаш, банклараро алоқани мустаҳкамлаш ҳақида кетмоқда. Ташриф чоғида бу муаммоларга барҳам берилди. Ҳуқуқий асос мустаҳкамланди, яъни ўндан зиёд ҳужжат имзоланди. Айниқса, даромад ва мулкка икки томонлама солиқ солишдан қочиш, темир йўл транспорти, сайёҳлик соҳаларига оид, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан Болгария Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ислом Каримов иқтисодий шароит, сармоявий муҳит ҳақида ҳам томонлар етарлича маълумотга эга эмаслиги туфайли товарлар ва хизматларни ҳаракатга келтириш сустлигини таъкидлади. Қисқаси, ушбу ташрифга қадар қандай маҳсулотни олиш ё сотиш, қандай хизмат туридан фойдаланиш ё таклиф этиш керак, деган саволлар жавобсиз эди. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Болгария ҳукуматлараро комиссиясининг ташриф арафасида ўтказилган йиғилишида бу масалага ойдинлик киритилди.

Президентлар комиссия фаолиятига юқори баҳо берди. Зеро, сафарнинг иккинчи куни ўтказилган Ўзбекистон-Болгария бизнес-форумида мезбон томондан саксонга яқин корхона ва ташкилотдан вакиллар қатнашди. Ишбилармонлар шу ернинг ўзида тўқимачилик ва фармацевтика саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, пойафзал тикиш, мева-сабзавотни қайта ишлаш, озиқ-овқат, гўшт-сут ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш каби соҳаларга оид йигирмадан зиёд лойиҳани муҳокама қилди. Улардан техникавий-иқтисодий асослари ишлаб чиқилганларининг умумий қиймати 15 миллион АҚШ долларидан ошади. Кўриниб турибдики, изласа имкон топилади. Бу лойиҳалар янгиланган ҳамкорликнинг дебочаси эканлигини ҳисобга олсак, иқтисодий алоқаларимиз кўлами яқин йилларда бир неча баробар ошишига шубҳа йўқ.

Икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим бўғинларидан бири транспорт коммуникациясидир. Ҳудудидан бир неча транспорт йўлаклари ўтган, Бургас, Варна, Русе шаҳарларида замонавий бандаргоҳларга эга бўлган Болгария биз учун, ҳақиқатдан ҳам, Европага кўприк вазифасини ўташи мумкин. Ислом Каримов 1998 йил Болгарияга сафари чоғида Варнадаги порт билан танишган эди. Бу галги ташриф давомида Бургас шаҳрига бориб, Болгариянинг транспорт салоҳияти билан янада яқинроқ танишди.

Бу мамлакатда юк ташиш имкониятлари катта. Бандаргоҳлар яхши жиҳозланган, катта миқдордаги юкни ортиш, тушириш ва сақлаш имкониятлари бор, улар автомобил ва темир йўл тармоқларига уланган. Уч томонлама келишувга биноан Варна портида Украина ва Грузиядан паромда келтирилган ёки жўнатиладиган юк давлат тўловларидан озод қилинади. Мисол учун, Варна-Ильичевск-Поти/Ботуми йўлида тўрт паром ҳаракатланади. Улардан иккитаси Болгарияга тегишли бўлиб, ҳар бири 108 вагон юкни сиғдира олади.

Хизмат кўрсатиш даражаси ҳақида тассаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги маълумотни келтириш кифоя. Поездни тайёрлаш, ҳужжатлаштириш ва божхона қайди учун атиги уч соат керак бўлади.

Албатта, бу сифатлар Ўзбекистон талабларига мос келади. Ислом Каримов бу соҳадаги ҳамкорликка тўхталиб, бир неча масалага изоҳ берди. Аввало, транзит мамлакатлар билан келишган ҳолда кўп томонлама ҳужжат тузиш даркор. Шундагина Ўзбекистон Болгариягача бўлган мустаҳкам йўлдан узлуксиз фойдаланиши мумкин. Президентимизнинг фикрича, бу ишда Болгария ташаббус кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, юк ташиш биринчи галда гуманитар фаолият ҳисобланади. Чунки у савдони ривожлантириш ва шу орқали алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда халқлар фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз Ўзбекистон билан Болгария ўртасида божхона соҳаси бўйича битим тузиш таклифини билдирди. Божхонадан ўтишнинг енгиллаштирилиши бизга Европага йўлни кенгайтириш, Болгария учун Марказий, Жанубий, Жануби-шарқий Осиё минтақаларига чиқиш имкониятларини оширади.

Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари ҳақида гап кетганда, сайёҳлик соҳасига тўхталмай илож йўқ. Болгария сўнгги йилларда бу борада улкан ютуқларга эришмоқда. Ислом Каримов сафарининг сўнгги нуқтаси бўлган Несебир шаҳрида мамлакатларимиз ўртасида консуллик конвенцияси имзолангани чуқур рамзий маънога эга эканлигини таъкидлади. Зеро, Несебир Болгариянинг йирик сайёҳлик марказларидан биридир.

Ислом Каримовнинг Болгарияга қилган давлат ташрифи икки томон учун ҳам ғоят фойдали натижалар билан якунланди. Таъкидланганидек, булар бошланиши, холос. Томонлар бир-бирининг имкониятларини энди тўлиқ ўрганиб чиқди. Муҳокама қилинаётган таклифлар, лойиҳалар кўп. Президентимизнинг мазкур ташрифи ҳамкорлик учун талай янги имкониятлар очгани билан Ўзбекистон-Болгария муносабатлари солномасидаги ёрқин саҳифа сифатида тарихга кириши, шубҳасиз.


**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири,**
Тошкент-София-Бургас-Несебир-Тошкент.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВ ВА ПОЛЬША РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ А. КВАСЬНЕВСКИЙ ЎРТАСИДАГИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

2003 йил 27 ноябр куни Польша томони ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Польша Республикаси Президенти А. Квасьневский ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг жорий йилнинг июл ойида Польшага расмий ташрифи чоғида эришилган келишувлар ижроси билан боғлиқ масалалар ҳамда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Икки давлат раҳбарлари томонларни қизиқтирган халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Суҳбат Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига хос самимий руҳда ўтди.

(ЎзА)

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига***

Рўза ҳайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Аллоҳ таолодан Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қардош халқингиз ва ислом умматига доимий тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўраб қоламан.

**Юксак эҳтиром ва ҳурмат билан**
**Муҳаммад Ҳусни Муборак, Миср Араб Республикаси Президенти**

* * *

Шунингдек, мамлакатимиз Президенти номига Саудия Арабистони Подшоҳи, Икки муқаддас масжид ходими Фаҳд бин Абдулазиз Ол Сауд, Афғонистон Ўтиш Ислом Давлати Раиси Ҳамид Карзай, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол Сауд, Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али томонидан ҳам қутловлар келди.

## БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

***Бундан ўн бир йил олдин қабул қилинган Конституциямизнинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини тўлиқ тасаввур этиш учун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга замин тайёрлаган муҳим тарихий воқеалардан энг асосийларини эслаш ўринлидир.***

Янги Конституцияни қабул қилиш билан боғлиқ жараённи уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич 1990 йил ва 1991 йилнинг августигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда республикамизда Президентлик институти жорий этилди. Собиқ Иттифоқ ҳали ўз кучини йўқотмаган, СССР Конституцияси мутлақ империя яхлитлигини ҳимоя қилиб турган ўша қалтис кунларда амалга оширилган бу қатъий ҳаракат мамлакатимизда қўйилган дастлабки мардона ва дадил қадамлардан бири бўлди. Ушбу ҳаракат, муболағасиз, мамлакатимизда демократия жараёнларини ривожлантириш, сиёсий ўзгаришларни чуқурлаштириш, конституциявий тузумни, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ҳимоялаш ва хавфсизлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви олий органларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш имконини яратди.



Президентимизнинг 1990 йил 2 майда қабул қилинган Фармони билан Ўзбекистон ҳудудида ҳар йили 21 март Наврўз байрами сифатида дам олиш куни, деб эълон қилинди. Шу йили 2 июнда «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида»ги Фармонга имзо чекилди.

(Давоми 3-бетда)

## ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ МУЗЕЙ

***Сарлавҳани ўқиб, салгина мушоҳада қилган газетхонларимиз сўз Хива ҳақида кетаётганини англаган бўлсалар, ажабмас! Негаки, Хива ўзининг бетакрор обидалари, осори атиқалари билан жаҳонга машҳур. "Шарқ гавҳари", "Хоразмнинг кўз қорачиғи", дея таърифланадиган шаҳримиз кўрки кимларни ҳайратга солмаган дейсиз?! Хива Ўрта Осиёда ягона музей шаҳар, деб тан олиниши дунё маданият аҳлининг улуғ эътирофидир.***

**МЕРОС**

Гарчи Абдулғозий Баҳодирхон хонлик марказини Кўҳна Урганчдан Хивага 1646 йилда кўчирган бўлса-да, муаррихларимиз Хива қалъасининг пайдо бўлишини Нуҳ пайғамбар даврига тақайдилар.

Хивада меъморчилик, адабиёт ва санъатнинг ҳақиқий ривожланиш даври Қўнғирот сулоласидан бўлган хонлар ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Ўша йилларда Кўҳна Аркда хоннинг кўриниш хонаси, карвон сарой ва ёпиқ бозор, қалъа дарвозалари қурилади. Тарихнавис ва шоир Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг ёзиб қолдиришича, 1842 йилда Дишон қалъа атрофи баланд ва мустаҳкам девор билан ўраб олинган. XIX аср ўрталарида Хивада 2 та хон саройи, 22 та мадраса, 27 та масжид ва бошқа жамоат бинолари мавжуд бўлган. Айниқса, Қўнғирот сулоласининг хонлик даврида хону вазирнинг, қозикалон ва ҳатто бой-бадавлат савдогарларнинг ҳам ўз номидан мадраса, масжид ва миноралар қурдириши одатий тусга айлана борган. Шу тариқа Кўҳна Аркнинг кўринишхонаси ва ёзги масжиди, Оқ масжид, Боғбонли масжиди, Полвондарвоза, Тошдарвоза, Қутлуғмурод Иноқ мадрасаси, Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси, Хўжамбердибий, Оллоқулихон, Қози Калон мадрасалари, Уч авлиё мақбараси, Муродтўра, Абдуллабобо ва Полвон қори, Саид Шоликорбой миноралари мажмуаси, Оллоқулихон карвонсаройи каби бинолар қурилган.

(Давоми 4-бетда)

## ҲИКМАТ

Эзгулик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилинг. Гуноҳ ва адоват йўлида ҳамкорлик қилманг.

(Қуръони Карим, «Моида» сураси, 2-оят).


‹‹‹ Сиз «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми? ☞ Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144 ›››

# БУЮК АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЗИЁРАТГОҲИДА ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

(Боши 1-бетда)

Энг муҳими, бизнинг ана шу саъй-ҳаракатларимиз бугунги ва келажак авлодларимиз учун, уларнинг маънавий юксалиши, миллий қадриятларимиз, динимиз арконларига муносиб бўлиб, онгли ва мазмунли ҳаёт кечириши учун беқиёс аҳамиятга эгадир.

Бизнинг ўзлигимизни англаш, асрий обидаларимизни, муқаддас қадамжоларимизни тиклаш йўлидаги барча ишларимиз замирида айнан ана шу руҳ, эзгу ният ва мақсадлар мужассам эканини мен яна бир бор такрор айтишни ўринли, деб биламан.

Мен Ўзбекистон тарихидаги шу каби олижаноб ишларни халқимизнинг нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда ислом динини асраш ва ҳимоялашга қўшаётган ўзига хос ҳиссаси, динимизга нисбатан турли бўҳтонлар уюштираётган, унинг обрўсини тўкишга уринаётган кучларга қарши аниқ ва амалий жавоби, деб қабул қилишингизни истардим.

Азиз юртдошлар!

Қадимий Бухоро замини Имом Бухорий, Ибн Сино ва Абу Бакр Наршахий каби алломаларга, буюк тариқат пирлари - Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Амир Кулол, Ориф Ревгарий ва Маҳмуд Фағнавий, Али Ромитаний ва Бобойи Самосий сингари азиз-авлиёларга бешик бўлгани билан ҳам бутун дунёга маълум ва машҳурдир.

Бухорони Бухорои шариф даражасига кўтарган ана шундай аждодларимиз орасида ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси алоҳида нуфуз ва мақомга эга.

Бу улуғ шахс тимсолида инсон руҳиятининг нақадар теранлиги, бу дунёда ўз иродасини тарбиялаб, қалбини поклаб, нафс балосини енгиб яшайдиган одам қандай маънавий юксакликка кўтарила олиши яққол намоён бўлади.

Бу буюк зот эл-юртга холисона хизмат қилиш, аввало, маърифат йўлида одамларнинг қалбига чуқур кириб бориш орқали уларда эзгу интилишлар, орзу-умидлар уйғотиш мумкинлигини ўз ҳаёти мисолида исботлаб берди.

Буюк аждодларимиз яшаб ўтган даврдан буён ер юзида не-не сурон ва тўфонлар рўй берганига, замонлар, салтанатлар, ҳаётга қарашлар ўзгарганига қарамасдан, бу пири комилнинг «Дил ба ёру даст ба кор», яъни «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган ҳаётбахш ҳикмати худдики шу бугун айтилгандек жарангламоқда.

Ҳозирги таҳликали дунёда, турли низо ва адоватлар ҳали-бери барҳам топмаган мураккаб бир вазиятда Нақшбанд бобомизнинг - миллати, тили ва динидан қатъи назар - инсон зотини азиз ва мукаррам билиш, ўзаро меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват муҳитини қарор топтириш, етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтожларга ёрдам бериш каби эзгу даъватлари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Биз Нақшбанд ҳазратларини халқимизнинг руҳи ва табиатига беҳад яқин бўлган ана шундай ғоя ва қарашлари учун ардоқлаймиз, барчамиз унинг бой меросидан маънавий куч-қувват оламиз.

Ота-боболаримиз бу буюк авлиёга чин дилдан ихлос қўйиб, юз йиллар давомида уни «Баҳоуддини Балогардон» деб улуғлаб келишида ҳам албатта теран маъно бор.

Дарҳақиқат, Яратганнинг қудрати билан каромат соҳиби бўлган бу азиз зотнинг руҳи поклари ўтмишда ҳам, бугун ҳам бамисоли юртимиз осмонида кезиб, она диёримизни ёмон кўзлардан, офатлардан, бало-қазолардан асраб келмоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Муҳтарам биродарлар!

Сизларга очиқ айтсам, Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг мана шу муборак қадамжосини обод қилиш фикри кўп йиллардан буён хаёлимни банд этиб келарди.

Ҳар сафар шу муқаддас даргоҳни зиёрат қилганимда ўзимни шу буюк зотнинг руҳи олдида қандайдир қарздор деб ҳис этардим.

Бир вақтлар, мустабид тузум даврида бу табаррук жой қандай аянчли аҳволга тушиб қолганини яхши эсласангиз керак.

Биз мустақилликка эришгач, кўплаб муқаддас қадамжолар қатори бу ерни ҳам обод қилиш мақсадида катта ишларни амалга оширганимиздан ҳам хабардорсиз, албатта.

Ана шу ишларни давом эттириш, бу зиёратгоҳни Баҳоуддин Нақшбанднинг оламшумул шуҳратига муносиб бир масканга айлантириш режаси йиллар давомида кўнглимни тарк этмаганини ҳам сизларга айтишим керак.

Ва ўтган йилнинг октябрь ойида ана шу ниятда атай вақт ажратиб, Тошкентдан бу ерга махсус келдим.

Бу ишга дахлдор бўлган раҳбарлар, лойиҳачи ва қурувчилар билан ёдгорлик мажмуасини янгитдан бунёд этиш масаласини шу жойнинг ўзида муҳокама қилганимизда бошқа иншоотлар билан бирга, мана шу янги айвоннинг қаерда ва қандай шаклда бўлишини ўз қўлим билан чизиб берган эдим.

Одамни ҳайратга соладиган томони шундаки, қурувчилар шу лойиҳа бўйича иш бошлаганда айнан шу пайтда белгилаб берилган жойдан илгари мавжуд бўлган эски айвоннинг кўмилиб кетган пойдевори чиқибди.

Буларнинг барчаси мана шу масканнинг илоҳий хосиятидан, Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг руҳи барҳаётлигидан яна бир далолатдир, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласизлар.

Қадрли ватандошлар!

Мен бугун Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаларини обод этишда бутун мамлакатимиздан келиб қатнашган қўли гул уста ва меъморларимизга, моҳир қурувчи ва муҳандисларимизга, пудратчи ва лойиҳачи ташкилотлар, туман ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларига, шу хайрли ишларга хизмати сингган барча-барча инсонларга ўз номимдан, эл-юртимиз номидан ташаккурлар билдираман.

Халқимиз даҳоси билан яратилган бетакрор обидаларни, мана шундай қутлуғ зиёратгоҳларни минг йиллар давомида асраб-авайлаб келаётган муҳтарам Бухоро аҳли олдида таъзим қиламан.

Азиз юртдошларим!

Фурсатдан фойдаланиб, бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай, 360 минг тоннадан зиёд юксак пахта хирмони барпо этиб, шартнома режасини муваффақиятли бажарган вилоят пахтакорларини, барча меҳнаткашларни чин қалбимдан қутлайман.

Ҳаммангизни бағримга босиб, қўлингиз дард кўрмасин, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим, дейман.

Ишончим комилки, Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд каби пири комилларимиз қолдирган бебаҳо маънавий меросга эга бўлган, ҳамиша пок ният билан яшайдиган халқимиз ўз олдига қўйган юксак мақсад-муддаоларига етишади, иншоолло.

Келинглар, азиз дўстларим, биродарларим, мана шу хосиятли кунда буюк аждодимизнинг табаррук қадамжосида туриб, эзгу ниятлар қилайлик.

Улуғ боболаримизнинг руҳи поклари шод бўлиб, охиратлари обод бўлсин!

Она Ўзбекистонимизни ёмон кўзлардан асрасин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

(Боши 1-бетда)

Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратлари одамларни поклик, тўғрилик, ҳалолликка бошлаган. Ўз шогирдлари учун одоб-ахлоққа оид бир нечта қонун-қоидалар ишлаб чиққан. Унинг бизгача етиб келган «Рисолаи соҳибия», «Рисолаи тариқат», «Васиятнома», «Маслак ал-орифин», «Мақсад ас-соликин», «Мақомоти Хожа Юсуфи Ҳамадоний» каби китобларида илму одоб, инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, дин ва дунёвий муносабатлар тўғрисида фикр юритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун 27 ноябрь куни Бухорога келди.

Юртбошимиз Абдулхолиқ Ғиждувоний мақбараси, Баҳоуддин Нақшбанд мақбара-мажмуи атрофида амалга оширилган ишлар билан танишди.



Ғиждувоний ва Нақшбанд мақбара-мажмуалари - зиёратгоҳ хиёбонлари янада чирой очган.

Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган тантаналар Баҳоуддин Нақшбанд мақбара-мажмуида бўлди. Бу ерга вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан меҳмонлар ташриф буюрган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари тантана иштирокчиларини, улар сиймосида бутун халқимизни ушбу қутлуғ айём билан муборакбод этди.

Улуғ боболарига ва уларнинг ўлмас меросига улкан эътибор қаратган, авлодларни аждодларга муносиб этиб тарбиялайдиган миллатнинг умри боқийдир. Президентимиз мустақиллик йилларида, жумладан, Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдулхолиқ Ғиждувоний мақбара-мажмуаларида кенг кўламдаги таъмирлаш ва бунёдкорлик ишларини амалга оширган, тарихий ёдгорликларимизга қайта жило берган, янги-янги бинолар ва иншоотлар барпо этган моҳир қурувчи ва усталарга, муҳандис ва меъморларга, мана шу савобли ишларга ўз улушини қўшган барча инсонларга миннатдорлик изҳор этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бу каби улуғвор ишлар, тўй-маъракалар юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти, озод ва обод Ватан, адолатли жамият барпо этиш йўлидаги фидойи меҳнати, эртанги кунга ишончидан яна бир далолатдир.

Тадбирда Муҳиддин бобо Боқиев сўзга чиқиб, буюк аждодларимиз руҳини шод этмоқ, уларнинг муқаддас қадамжоларини ободонлаштирмоқ энг савобли ишлардан бири эканини таъкидлади. Бу улуғвор ишларнинг ташаббускори ва раҳнамоси бўлган Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Шу куни мамлакатимиз раҳбари Ғиждувон шаҳридаги беш юз ўринли спорт саройининг очилиш маросимида иштирок этди. Ушбу спорт мажмуида ёшлар спортнинг саккиз тури билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар муҳайё этилган.

**Воҳид ЛУҚМОН, Илҳом САФАР, ЎзА мухбирлари**

**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**

Р.ЖУМАНИЁЗОВ ва Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

# БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Боши 1-бетда)

1991 йил 11 апрелда анъанавий миллий байрам - Рўза ҳайити муносабати билан фармон қабул қилинди, 20 июнда Қурбон ҳайит дам олиш куни, деб эълон этилди. Бу мустақиллик сари, миллий уйғониш, ўз-ўзини англаш сари биринчи қадамлар эди.

1990 йил июнь ойида Мустақиллик декларацияси қабул қилинди.

У янги Конституцияни ишлаб чиқиш учун асос бўлди. Декларацияда, шу даврда ҳокимиятни қўлдан бермаслик учун чиранаётган СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон Олий Совети томонидан тасдиқланганидан кейингина Ўзбекистон ҳудудида кучга эга бўлиши, Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаши ва давлат белгиларини - герб, байроқ, мадҳиясини ўзи таъсис этиши эълон қилинди. Шу даврдан бошлаб янги Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича иш бошлаб юборилди, бунинг учун махсус комиссия тузилди.

Шартли равишда, иккинчи босқичга 1991 йилнинг августидан 1992 йилнинг сентябригача бўлган даврни киритиш мумкин.

1991 йил 31 августда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилиниб, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Республика ҳудудида жойлашган Иттифоққа бўйсунувчи давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари Ўзбекистоннинг тасаррувига ўтказилди, республиканинг амалдаги Конституцияси ва қонун ҳужжатларининг номидаги ва матнидаги «Ўзбекистон ССР» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар билан алмаштирилди.

1991 йилнинг охирида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказилди.

1992 йилнинг 4 январида бўлиб ўтган Олий Кенгашнинг тўққизинчи сессиясида қабул қилинган қарорга мувофиқ собиқ СССР Куролли Кучларининг республика ҳудудида жойлашган қисмлари, қўшилмалари, бирлашмалари, ҳарбий ўқув юртлари, муассасалари, ташкилотлари, бошқа ҳарбий тузилмалари Ўзбекистон Республикасининг қарамоғига олинди.

1992 йилнинг 2 июлида Олий Кенгашнинг ўнинчи сессиясида янги Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига ҳавола этишга қарор қилинди. 1992 йил 26 сентябрда у илк бор умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Лойиҳа эълон қилингач, унинг муҳокамасида бутун халқ, барча фуқаролар фаол қатнашди. Конституциявий комиссияга фикр- мулоҳазалар билдирилган 600 тага яқин хат келиб тушди, билдирилган таклифлар сони 5 мингдан ошиб кетди.

Дастлабки муҳокама жараёнидаги фикрлар ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган янги Конституция лойиҳаси 1992 йилнинг 21 ноябрида яна бир бор матбуотда эълон қилинди. Биринчидан, бу Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишга ниҳоятда жиддий ёндашилганлигини билдирса, иккинчидан, бу муҳокама жараёнига янги жонланиш бағишлади.

Янги келган таклифлар ҳам умумлаштирилиб, лойиҳа 1992 йил 8 декабрда Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилди. Сессияда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди.

Кўриб турганимиздек, Конституция республика раҳбарияти ва бутун халқимизнинг икки ярим йил давомидаги қаттиқ меҳнати, мустақиллик ва адолат йўлидаги курашининг маҳсулидир.

Бундай дейишимизга тўлиқ асос бор. Чунки 1989-1990 йилларда Фарғона ва Тошкент вилоятларида содир этилган даҳшатли фожиалар, 1991 йилда Наманганда диний экстремистларнинг чиқишлари, Олий Совет VII сессиясида Президентни ағдаришга бўлган уринишлар, 1992 йилда Тошкент шаҳрида талабалар иштирокида уюштирилган тартибсизликлар ва бошқа шунга ўхшаган хатти-ҳаракатлар, авваламбор, ўзбек халқининг ҳамжиҳатлигини бузишга, унинг эркинлик ва озодлик учун олиб бораётган курашига зарба беришга қаратилган бўлиб, тартибсизликларга чек қўйишнинг, давлат мустақиллигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг бирдан-бир қонуний йўли янги Конституцияни қабул қилиш эди.

Янги Конституцияни қабул қилиш ғоясининг муаллифи Президентимиз Ислом Каримов унинг ҳар бир моддасини чуқур асослаш ва такомиллаштиришга бевосита бош-қош бўлди. Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган суверен республика, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш, республика ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаш, халқ манфаатларининг устунлиги, виждон эркинлиги ва бошқа қатор ғояларни айнан Юртбошимиз илгари сурган, олий қонун чиқарувчи органнинг номини Олий Мажлис, жойлардаги бошқарув раҳбарларини ҳокимлар, деб номлашни таклиф этган.

Қонун тайёрлашда ҳар бир халқнинг миллий турмуш тарзи, дунёқараши, хуллас, миллий менталитети ҳисобга олинади. Дунё мамлакатлари қонунчилигидаги баъзи фарқларни ҳам шу тариқа изоҳласа бўлади. Конституциямиздаги баъзи бир асосий қоидалар бундан мустасно эмас. Масалан, оила хусусидаги масала алоҳида боб қилиб ажратилганлигини кўпчилик қонуншунослар халқимизнинг миллий хусусияти билан боғлашади. Оила - жамиятнинг ўзаги, бўғини деган маънони билдиради. Давлатнинг туб маъноси - халқ. Ҳар бир инсон энг аввало оилада тарбия олади. Демак, жамиятга ўз ҳиссасини қўшадиган шахснинг фаолияти унинг оиладаги тарбиясига боғлиқ.

«Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар», деб кўрсатилган Конституциянинг 64-моддасида. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат зиммасига юкланган.

Вояга етган фарзандлар эса ота-оналари касал бўлган, меҳнат қобилиятини йўқотган, уларга қарам бўлиб қолган ҳолларида ёрдам беришлари шарт. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини Ватанига садоқатли, жамият ва кишиларга фойда келтирадиган инсон қилиб тарбияламоғи керак.

Конституциямизда юртимизнинг тарихий анъаналаридан келиб чиқиб мустаҳкамлаб қўйилган қоидалар сирасига ҳокимликнинг жорий этилиши ва маҳалла мақомини мустаҳкамлаш масалалари ҳам киради. Асосий Қонунга мувофиқ вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг юқори мансабдор шахси бўлиб, айни бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижро этувчи ҳокимиятни бошқаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисини /оқсоқолни/ ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди, деб белгилаб қўйилган. Улар ўз фаолиятини демократия, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосида ўзаро ёрдам принципларига таяниб олиб бориши керак.

Бироқ Конституциямиз қанчалик ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турмасин, унинг дунёдаги бошқа конституцияларга хос бўлган умумий белгилари Ўзбекистоннинг Асосий Қонунини улар билан бир қаторга қўяди. Зеро, Конституция муқаддимасида инсон ҳуқуқларига содиқлик, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳақида сўз юритилгани бежиз эмас.

Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадларига интилишимиз нафақат замон талаби, балки буюк аждодларимиз даъвати ҳамдир.

Соҳибқирон Амир Темурнинг «Куч - адолатдадир» деган ҳикмати барчага маълум. Форобийнинг «Фозил шаҳар аҳолисининг маслаги» рисоласида «Ҳар бир инсон табиатан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда, уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради», дейилган.

Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» асарида бундай ёзади: «Инсон ўз эҳтиёжларини тушуниб, ўзига ўхшаш кишилар билан бирга яшашнинг зарурлигини англай бошлайди. Шунинг учун ўзаро келишувчанлик қабилидаги «шартнома» тузишга киришади».

Конституциямизнинг 34-моддасида айтиладики, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Давлат эса, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ижтимоий зиддиятларни куч ишлатиш йўли билан эмас, балки ижтимоий муросага келиш йўли билан бартараф этиш воситаси сифатида таърифланган. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз Конституциясида фикрларнинг хилма-хиллиги, ҳокимиятни демократлаштириш каби умумдемократик ғоялар ва тартиботлардан кенг фойдаланилган. Конституциямизнинг ҳуқуқий концепцияси инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, фуқаролар эркинлиги, ҳуқуқий ва миллий давлатга хос хусусиятлар каби умумий қадриятларнинг узвий бирлигини ўзида акс эттиради.

Қонун ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмас экан, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишидаги асосий тамойиллардан бири қонун устуворлигидир. Бу ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатишни тақозо этади. «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар», деб таъкидланади Конституциянинг 15-моддасида.

Конституция қоидаларини рўёбга чиқариш давомида у билан боғлиқ ижтимоий тахминлар кутилганидек бўлиб чиқди.

Ўзбекистон умумбашарий ўзгаришлар жараёнлари оқимида ўзининг бетакрор ижтимоий-сиёсий, маънавий янгиланишлари дастурига эга бўлган мамлакат сифатида ўзига хос ва ўзига мос мавқе эгаллади. Янги цивилизация ва инсоният тараққиётига кучли таъсир ўтказишга қодир бўлган давлат сифатида ўзининг кенг имкониятларини намоён эта бошлади.

Ўзбекистонда туғилиб, унинг заминида яшаётган, меҳнат қилаётган ҳар бир киши миллий мансублиги ва диний эътиқодидан қатъи назар, мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлиши учун ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий шарт-шароит яратилишига эришилди.

Конституциянинг ижобий таъсири сиёсий ҳаётнинг демократлашувида, давлат ҳокимиятининг ташкил этилишида, иқтисодий соҳанинг эркинлаштирилишида, жамиятнинг маънавий янгиланишида, халқнинг моддий фаровонлиги барқарор равишда ошиб бораётганлигида яққол кўриниб турибди.

Мана, ўн бир йилдирки, мустақил Ўзбекистон ўзининг Асосий Қонуни - Конституцияси асосида яшаб келмоқда. Танланган йўлнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ютуқлар фикримизни тасдиқлайди. 2003 йилга келиб республикамизда етиштирилган ғалла миқдори 1990-1991 йилларга нисбатан 5,5 баробар ошди, жаҳон андозалари даражасидаги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилди, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи таъмирланди, Шўртан газ-кимё мажмуи ишга туширилди. Асакада «ЎзДЭУавто», Самарқандда «СамКочавто» қўшма корхоналари ишлаб турибди. Пахтани қайта ишлаш соҳаси жадал ривожланди. Ушбу соҳада энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган «Кобул- Тўйтепа», «Кобул-Ўзбек», «Оқсарой тўқимачи», Тошлоқ тўқимачилик фабрикаси каби бир қатор корхоналар барпо этилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган «Наманган консерва», «Марҳамат» акциядорлик жамиятлари, «Нестле-Ўзбекистон», «Самарқанд-Прага» қўшма корхоналари, «Мева», «Қува ширинликлари», «Конмит» корхоналарининг маҳсулотлари ҳатто хорижда ҳам маълум ва машҳурдир. Минглаб километр автомобиль йўллари ва темир йўллар, газ ва сув қувурлари, кўплаб лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Аҳолига кўрсатиладиган кафолатли хизматлар рўйхати тобора кенгаймоқда, шаҳар ва қишлоқлар обод бўлмоқда.

Сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларни эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотлар ҳам изчил амалга оширилмоқда. Шу йил 24-25 апрель кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида Конституцияга ўзгартишлар киритилди. Уларнинг жамият ҳаётини янгилашдаги аҳамияти жуда катта. Бу масала жамиятимизда анчадан буён муҳокама қилиб келинаётган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида мамлакатимизда икки палатали парламентни тузиш зарурлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурди. 2002 йилнинг 27 январида шу масала юзасидан умумхалқ референдуми ўтказилди ва халқимиз келгуси чақириқдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси парламентини икки палатали қилиб шакллантириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Референдум натижаларига асосланиб Олий Мажлиснинг VIII сессияси «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонунни қабул қилди. Унда қонун чиқарувчи олий орган бўлмиш - икки палатали парламентнинг тузилиши, таркиби, фаолият юритиш асослари мустаҳкамланди. Олий Мажлиснинг X сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунлар қабул қилинди. Улар Олий Мажлис палаталарининг мақомини, уларни шакллантириш тартибини, ваколатларини, ўзаро ҳамда бошқа ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилиш ҳуқуқий нормаларини белгилади.

Референдум натижалари асосида қабул қилинган ушбу учта қонун Конституцияга тегишли ўзгартишлар киритиш учун асос яратди. 24 апрелда Олий Мажлис «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди. Ушбу қонун билан Конституцияга киритилган ўзгартишлар асосан Олий Мажлис, унинг палаталарининг мақоми ва ваколатларини, мамлакат Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда сайлов тизими асосларини белгилаб берадиган қоида ва моддаларга тегишлидир. Бундан ташқари, Конституциянинг суд ҳокимиятига тегишли бўлган айрим моддаларига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Улар суд тизимини ихтисослаштириш ва такомиллаштириш жараёнини кенгайтириш, судларнинг вазифаларини янада аниқроқ белгилаб, уларнинг амалда мустақиллигини ишончли кафолатлашни таъминлашга қаратилганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида икки палатали парламент фаолият кўрсатиб келмоқда. АҚШ, Россия Федерацияси, Буюк Британия, Германия Федератив Республикаси ва бошқа давлатлар шулар жумласидан. Бундай парламентда демократия ва фикрлар хилма-хиллиги кўпроқ ўз ифодасини топади, шу туфайли парламентнинг нуфузи янада ортади. Умуман, икки палатали парламент тизимига ўтиш мамлакатимиз давлат ҳокимиятининг барча тармоқларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказади.

Конституция фуқаролар тинчлиги, миллий тотувлик, шахс эркинлиги ва сайлов эркинлигига, барқарор сиёсий вазиятга эришиб келаётганлигимизнинг пойдевори сифатида хизмат қилиб келмоқда. У мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, барчамизнинг тинчлигимиз ва юртимиз осойишталигини таъминлашда асосий омил бўлмоқда. Шундай экан, уни билиш, чуқур идрок этиш, унга амал қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси Конституциямиз қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлаган ҳолда ҳар бир инсон ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, бурч ва масъулиятини бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилишини билиши даркор.

Бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда болалар боғчасидан бошлабоқ Конституцияни ўрганиш ташкил этилган. Мактаб ўқувчилари, талабалар учун махсус дарсликлар тайёрланган. Конституциямизнинг маъно-мазмунини, халқимиз ҳаётидаги ўрнини нафақат ўсиб келаётган авлод, балки ҳар бир ўзбекистонлик англаб етиши зарур. Чунки у маънавий-маданий эҳтиёжларни, ватанпарварлик туйғуларини, таъбир жоиз бўлса, халқнинг виждони ва диёнатини ўзида мужассамлантирган бўлиб, биз учун муқаддасдир.

Олий мақсад - адолатли демократик давлат қуришга жазм қилган эканмиз, аввало, ҳар биримиз ўз ҳуқуқ ва бурчларимизнинг мазмун-моҳиятини, қонунларнинг манфаатимизга хизмат қилишини чуқур англаб олишимиз, онгимизга сингдиришимиз ва ҳақ-ҳуқуқларимиздан фойдалана билишимиз керак. Ҳар бир киши инсон эркинликлари айни вақтда муайян бурч, масъулият ва мажбурият эканлигини ҳам чуқур ҳис қилмоғи зарур. Ҳуқуқий билимлар унинг учун ҳаётий зарурат эканлигини ҳам тушуниб етсин. Ана шундагина жамиятимизда ҳар бир одам ўзининг қадр-қимматини, бурч ва масъулиятини чуқурроқ ҳис эта бошлайди. Шу озод ва обод юртда яшаётганлигидан фахрланади, миллий ғурури ортади. Энг муҳими, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши англаган инсонгина истиқлол берган энг улуғ ҳуқуқ - Ватан мустақиллигини ҳимоя қилишга, мустаҳкамлашга қодир бўлади.

Халқимиз ўзининг бутун тарихи давомида адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварлик ғояларига садоқатини намойиш этиб келган. Конституциямиз теран тарихий-ҳуқуқий тажрибаларимиздан келиб чиқади, бугунги кунимиз воқеликларини - бозор иқтисодиёти, сиёсий ҳурфикрлик, ижтимоий адолат, маънавиятда миллийлик ва умуминсонийликни акс эттиради, эртанги келажакка чорлайди.

У биз учун жуда азиз, уни ҳурмат қилиш ва асрамоқ лозим, унга лойиқ бўлиш керак. Чунки айнан Конституцияда Ватаннинг давлат суверенитети акс этади. У миллатнинг тилига давлат мақомини берган, давлатни халқ иродасига бўйсундиради, халқни ҳокимият манбаи сифатида эътироф этади, унда ижтимоий ҳаётда сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги кафолатланган, инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати дахлсиз, олий қадрият деб ёзиб қўйилган.

**Бўритош МУСТАФОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Конституциявий судининг Раиси.**

# САВИЯСИ "СОЯ"ДА ҚОЛГАН ҚЎШИҚЛАР...

***Ўтган ўн йил ичида санъат оламига бир талай ёшлар оқими кириб келди. Лекин қўшиқлар айнан ана шу ёшлар тарафидан яратилаётгани ҳам сир эмас.***

Бу ҳақда матбуотимизда бир неча бор бонг урилди. Аммо бу чиқишларнинг натижаси самарасиз бўлмоқда. Бора-бора чет эл мусиқаларига қўйиб айтилаётган қўшиқларга ҳам қулоқларимиз ўрганиб бормоқда. Таассуфки, уларга қўйиб айтилаётган қуруқ қофиялардан иборат сўзлар эса энсани қотиради. Кишининг савиясини унинг ўқиган китоблари, тинглайдиган куй-қўшиқларига қараб ҳам билиб олса бўлади.

Ўзбекистон халқ ҳофизи, устоз санъаткор Фахриддин Умаров бир суҳбатда шундай деган эди: "Мен яратаётган ҳар бир қўшиғимнинг сўзларига алоҳида аҳамият бераман. Ҳатто, нуқта ва вергулларигача.

Бир гал улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг ғазалларини ашула қилиш жараёнида бир сўзнинг маъносини тушунмадим. Бу сўзнинг маъносини сўраб кимларга мурожаат қилмадим дейсиз. Бироқ, ҳеч кимдан кўнглимни тўлдирадиган жавоб ололмадим. Шундан сўнг, навоийшунос олим, академик Азиз Қаюмовга мурожаат қилишга мажбур бўлдим ва маъносини тўлиқ англадим. Шундан кейингина ашулани ёзиб тугатдик".

Энди эса биз юқорида ёш хонандаларга қилган даъвомиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун мисоллар келтирамиз. Манзура исмли хонандамиз:

**Ман, ман, ман –**
**Манзура,**
**...эл-юртимнинг**
**фахриман.**
**...байрамларнинг**
**кўркиман,**

ва ҳоказо, ҳоказо сўзлардан иборат бир нимарсаларни куйлаганлар. "Шеър" – шиғирнинг муаллифи эса опалари эканлар.

Яна бир хонандамиз Дилфуза (кечирасизу, ҳатто уларнинг фамилиялари гоҳида айтилмайди) ҳам: "***Дилфузаман, Дилфуза...***" дейди, у киши ҳам "***байрамларнинг кўрки, эл-юртнинг фахри...***" эмиш. Бу икки хонанданинг яратган "улуғ" асарларини ўз-ўзини реклама қилишдан бошқа нимага ҳам ўхшатиш мумкин? Ёки Озода Нурсаидова томонидан яратилган яна бир "асар"да "***Сен бўлмасанг бошқаси***" каби сўзлар учрайди. Шеър муаллифи Рислиғой Ҳотамова бўладилар. У киши ё ўзбекона урф-одатларимизни билмайдилар, ё ҳурмат қилмайдилар. Бу қўшиқми ё енгилтак аёлнинг бевафо "ёри"га нисбатан қилаётган дағдағасими?

Яна бир ёш хонандамиз Дилдора Ниёзова "***ёшинг қирқдан ўтган сўнг, тур кет деган кўп бўлар... севдим деган мард йигитнинг костюмидан маҳкам тут***" каби сўзларни куйлайди. Бу сўзларни қандай тушунмоқ лозим? Узр-ку, бу бошқа йўлга кириб қолган айрим қизларга нисбатан берилаётган маслаҳатми?

Бу ёшларнинг санъат оламига кириб келганига ҳали кўп бўлгани йўқ, дейсизми? Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулазиз Каримов томонидан куйланган бир қўшиқдаги "***Ҳай-ҳай, чироғим, мани яркироғим. Сенсиз қоларман***", деган сатрларга нима дейсиз? Бу сўзлар севикли ёрга нисбатан айтилаяптими, ё машинасидан айрилиб қолган ёш ҳайдовчининг ҳиргойисими? Йўқса, ҳеч вақт одамни ҳам ялтироқ, яркироқ каби сўзлар билан эркалатадиларми?

Унинг яна бир қўшиғида "***Ёшимдан оқди кўзим, ёшимдан оқди кўзим***" деган сўзлар бор. Тавба, қачон ва ким кўрган экан ёшдан кўз оққанини? Кўздан ёш оқиши бор гап, лекин ёшдан кўз оқишини нима деб изоҳлаш мумкин? Бобур Бобомурод деган шоирга тегишли шу сўзларни куйлаган санъаткоримизнинг ўзлари бу сўзларни шарҳлаб бермасалар, бизнинг ақлимиз етмаяпти.

Яна "ёш санъаткор" Улуғбек Отажоновнинг отаси – Ортиқ Отажонов маҳорат билан куйлаган қўшиқларни эплаб-эплай олмай қайта айтиши майлику-я, аммо "***...бу кеча шундай кеча***" номли қўшиғига ишланган клипда ярим яланғоч ҳолда бассейнда куйлайди. Ҳар бир банд тугагач, балиқдек сувга шўнғийди... Ўйланиб қоласан киши. Шу ва шу каби яратилаётган қўшиқ-клиплар хонандаларимизнинг ўз қадр-қимматини, бўй-бастини реклама қилиш ниятида ишланмаганмикан?

Айтаверсак, бу каби мисолларнинг адоғи йўқ. Хўш, бунақанги савияси паст қўшиқларнинг ўсиб келаётган ёш авлод вакилларига салбий таъсир қилмаслигига ким кафолат беради? Бу ерда фақат биз хонанда ёки "шоир"ларимизни айблайверсак, хатога йўл қўйган бўлармиз. Чунки, уларнинг бу яратган қўшиқларини эфирга кетишига ким рухсат бердийкин? Балки, телевидение ва радиода реклама учун ҳамда санъаткорлар тўлаётган пул эвазига ҳам бу қўшиқлар берилаётгандир.- Аммо пул тўлаб эшиттирилаётган бу қўшиқлар маънавиятимизга доғ туширмайди деб ким кафолат бера олади?

**Бобомурод ОДИЛОВ,**
**талаба.**

# ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ МУЗЕЙ

(Боши 1-бетда)

Бунёдкорлик, ободончилик ишлари маърифатпарвар хон Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз ҳукмронлиги даврида янада ривож топди. Бу вақтда Хива кўҳна Шарқнинг энг гўзал шаҳри, илмий-маърифий марказларидан бирига айланди.

Шу ўринда музей қўриқхона – Хиванинг айрим обидалари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

**Паҳлавон Маҳмуд мақбараси** Хива ёдгорликлари ичида энг ҳашаматли ва кўркамлиги билан бирга, муқаддас қадамжоларидан бири ҳамдир. У ўз замонасининг буюк файласуф шоири, тасаввуф оқимининг етакчи намояндаларидан бири, машҳур курашчи Паҳлавон Маҳмуд шарафига 1810 йилда Муҳаммад Раҳимхон I томонидан бунёд қилинган бўлиб, унинг ўғли Оллоқулихон даврида мақбара ниҳоятда чиройли кошинлар билан безатилган. Гумбаз ичидаги кошинларга шоир рубоийларидан намуналар ёзилган.

**Тошҳовли саройи** Хива хонлари ичида меъмор, бунёдкор деган улуғ номга мушарраф бўлган Оллоқулихон томонидан қурилган. Сарой 163 хонадан иборат бўлиб, ҳовли-кўринишхона, меҳмонхона ва ҳарамхоналардан иборат. У ниҳоятда чиройли кошинлар, ганч, мармарлар, темир панжаралар билан безатилган. Эшик ва устунларда Хива ўймакорларининг санъати ўз аксини топган. Айвонларнинг кошинкор деворларига Огаҳийнинг форсий шеърлари ёзилган.

**Ислом Хўжа минораси** Ўрта Осиёдаги энг баланд ва чиройли минора бўлиб, узунлиги 56,5 метрни, пастки айланаси эса 9 метрни ташкил қилади. 118 зинадан иборат мазкур иншоотнинг тепасига 2,5 метрлик мис қубба ўрнатилиб, олтин билан безатилган. Унинг тепасига чиқиб, бутун Хива ва унинг атрофини томоша қилиш мумкин.

**Нуруллабой саройи** Хива тарихий обидаларининг энг сўнггилари қаторига кириб, у 1910-1912 йилларда Исфандиёрхон буйруғига кўра бош вазир Ислом хўжа раҳбарлигида қурилган. Сарой лойиҳасини москвалик меъмор А.М.Рохоп ва маҳаллий наққош Неъматилло Маткаримовлар чизишган. Унинг ички хоналарини ганч ўймакорлик, дурадгорлик намуналари ва мойбўёқлар билан безашда хивалик усталар билан биргаликда рус ва қалъага яқин Оқмачит қишлоғида яшовчи немис усталари ҳам қатнашган. Ҳар бир хонага биллур қандиллар ўрнатилиб, 16 от кучига эга бўлган двигатель ёрдамида электр чироқлари ёқилган.

"Очиқ осмон остидаги музей шаҳар" мақомига эга бўлган Хиванинг шу тариқа такрорланмас меъморий обидалари билан танишарканмиз, аждодларимиз томонидан бунёд қилинган, лойи боболар пешона тери, жигар хунларига қорилган, ўзида узоқ йиллар сир-асрорларини яширган бу осори атиқаларни кўз қорачиғимиздай асрашимиз ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини ҳис этамиз.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**



# «Ватанимга хизмат қиламан!»



**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар музейида ёш аскарларнинг ҳарбий қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда аскарларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари ва ҳарбий қисм зобитлари иштирок этишди.**

**СУРАТЛАРДА: ҳарбий қасамёд қилиш тантанасидан лавҳалар.**

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

# SPORT OLAMIDA

## КУБОК «НИКА»ДА

***Навоий шаҳрида қўл тўпи бўйича ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақалари ниҳоясига етди.***

Олти жамоа иштирок этган ушбу баҳсларда барча рақибларидан кўра маҳоратлироқ ўйин намойиш этган Навоий шаҳрининг "Ника" жамоаси биллур соврин соҳиби бўлди.

## ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШИШДИ

***Урганч Давлат университети спорт мажмуаси ёшлар билан яна гавжум бўлди.***

Бу ерда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида дзюдо бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардаги олий ўқув даргоҳлари жамоалари ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Қизиқарли, муросасиз ўтган беллашувлар якунида Урганч Давлат университети талабалари биринчи ўринни қўлга киритишди. Ғолиб ва совриндорлар Республика ҳамда вилоят дзюдо федерациялари таъсис этган совғалар билан тақдирланишди.

## ХОТИРА ТУРНИРИ

***Кеча Чирчиқдаги "Кимёгар" спорт мажмуасида дзюдо бўйича бир неча бор Ўзбекистон чемпиони ва халқаро турнирлар ғолиби Учқун Муродов хотирасига бағишланган турнир ўтказилди.***

Республика дзюдо федерацияси ташаббуси билан илк бор ташкиллаштирилган ушбу турнирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган дзюдо усталари беллашдилар. Қизиқарли курашлар остида, байрамона руҳда ўтган мусобақалар якунида ғолибларга совринлар, эсдалик совғалари топширилди.

## ОЛМАЛИҚЛИКЛАР ЗАФАРИ

***Олмалиқ шаҳрида мотокросс бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари уюштирилди.***

Унда 97 нафар спортчи иштирок этди. Якка тартибдаги баҳсларда мухлислар пойтахтлик Евгений Львов, Руслан Каримов, Самарқанд вакили Денис Перцов ва урганчлик Константин Сичевларга юқори баҳо беришди. Бу спортчилар ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳам энг маҳоратли, эпчил дея тан олиндилар. Умумжамоа ҳисобидаги беллашувларда эса Олмалиқ тоғ кон металлургия комбинати жамоаси аъзолари биринчи бўлишди.

## ЎСМИРЛАР БИРИНЧИЛИГИ

***Наманганда таэквандо бўйича ташкил этилган Ўзбекистон чемпионати "Ёшлар – гиёҳвандлик ва терроризмга қарши" шиори остида уюштирилди.***

12-18 ёшли ўсмирлар ўртасида ўтган беллашувларда Дилноза Раҳимова, Фарруҳ Салмонов, Дониёр Йўлдошевлар шоҳсупанинг тўридан жой олишди. Дарвоқе, асосан қора камар соҳиблари қатнашган ушбу чемпионатнинг жамоавий баҳсларида пойтахтнинг "Бектемир" ва "Қаҳрамон" клублари аъзоларига ҳеч ким тенг келолмади.

## АЁЛЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР

***Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий Кенгаши ҳамкорлигида "Аёл ва спорт" мавзусида тадбир уюштирилди.***

Аёлларни жисмоний тарбия ва спортнинг барча турларига жалб этишнинг ижтимоий, тарбиявий, ташкилий жиҳатлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тадбир қатнашчилари, шунингдек спортда юқори натижаларга эришиб, олимпия ўйинларида иштирок этиш ўзбекистонлик аёллар учун бундан кейин муҳим масала эканлигини таъкидлашди. Бунда олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия кафедралари педагоглари ўрни беқиёслиги эслатиб ўтилди.

## "ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН"

***Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида оммавий спорт ривожига катта аҳамият берилаётганлиги қувонарли ҳол.***

Шуниси эътиборлики, кейинги йилларда кўпгина оилаларда спорт билан мунтазам шуғулланаётган оилалар сони кўпайиб бораяпти. Пойтахтимиздаги Оқтепа педагогика коллежида уюштирилган оилавий мусобақа "Отам, онам ва мен" деб номланди. Унда ғолиблик учун кураш олиб борган жамоалар спортнинг арғимчоқда сакраб югуриш, коптоклар билан югуриш йўналишларида омадларини синаб кўришди. Қизиқарли ва қувноқ ўтган ушбу мусобақаларда Ражабовлар, Очиловлар, Ибрагимовлар, Наливайколар оилалари муваффақиятли қатнашиб, эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# НУСРАТ ОРДЕНДОР

**РОМАНДАН ПАРЧА**

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

Тўғри, бир қараганда қўшни колхоз раисига ўхшайди... Аммо, унинг кўкраги... зич қилиб тақилган орден ва медалларга тўла, ўнг кўкрагидан бошланиб нақ қорнигача турли нишонлар занжири, чап кўкрагида эса... Иккита Социалистик Меҳнат Қаҳрамони олтин юлдузи ялтираб турарди! Тошкентлик казо-казолар ҳали бу одамнинг кимлигини англаб етишмаган эсалар-да, аллақандай савқи табиий билан бир зумда ҳар ким ўз мавқеига мос жойини эгаллаган ҳолда фахрий қоровул тизимидан саф тортишди ва улар орасидан энг обрўлиси қўш юлдуз эгасига пешвоз чиқди.

-Ассалому алайкум, устоз, марҳабо, марҳабо!

Республика миқёсидаги мафкура идораларидан бирининг бошлиғи, юксак илмий унвонларга эга бу ўртоқ танимаса-да, кўринишидан баланд мартабали кишиларга "Устоз" дея мурожаат этишга ўрганганди. Раҳбар ортидан қўш юлдузли инсоннинг қўлини олишга ошиққан шериклар ҳам қаҳрамонга "устоз" дея илтифот кўрсатишди.

Кабир раиснинг бирдан миясига қон тепди. Кўзи қисилиб, аъзойи баданига титроқ кирди.

-Н... Нусрат! Аб... блаҳ! – дея илондай шивиллади у. Ҳа, бу қўш юлдуз ва саноқсиз орденлар тақиб олган одам... ўша машҳур "Нусрат лектор"нинг ўзгинаси эди! Раис атрофга жаланглаб, кўзи билан хизматдаги идора ходимларини қидирарди. Ҳамма ўзини панага уриб юборган... Кейин маълум бўлишича, Нусрат идоранинг қоқ остонасигача чопонга ўралиб келган. Ҳеч ким уни орден-медалларга кўмилган алфозда кўрмаган. Раису шотирлар тошкентлик меҳмонларни кузатишга андорман бўлиб турган бир пайтда чаққонлик билан чопонни ечиб, шу ердаги чинор шохига илади-ю, бутун маҳобати ила меҳмонлар ва ғафлатда қолган идора ходимлари қаршисида рўй-рост намоён бўлади. Меҳмонлар олдида уни зўрлик билан катта кўча тарафга тортиш ўнғайсиз эди...

-Кабир! – деди баланд овозда Нусрат ҳали ўзига келмаган раисни қучоқларкан, - сен ҳам шу кунларга етибсан, қутлуғ бўлсин! Менга ўхшаб иккинчи юлдузни ҳам олгин! Омин!

Шундая дея Нусрат дуога қўл очди. Бир лаҳзага чўнтакларда партбилет борлигини унутган меҳмонлар ҳам қўлларини кўтаришди. Алам, уят ва аллақандай ҳақоратланишдан чўғдай қизарган Кабир ҳам фотиҳага қўл жуфтлади.

-Омин! Оллоҳу акбар!

Ҳали меҳмонлар юзларини сийпалаб улгурмай икки идора ходими яшин тезлигида етиб келиб Нусратнинг икки қўлтиғидан ушлаб идора ичига тортишди. Азбаройи тез юрилганидан чолнинг орден-медаллари жаранг-журунг товуш чиқариб борарди.

-Нусрат тоға! Ичкарига!

Хуллас, меҳмонлар фотиҳага кўтарилган қўлларини туширгунича Нусрат шотирлар кўмагида аллақачон идора ичига кириб, кўздан ғойиб бўлган эди...

Шу куни идора ходимлари эшитадиганини эшитди раисдан... Суриштириб кўришса, Нусрат Кабир раисга меҳнат қаҳрамони унвони берилганини эшитган кундан "олтин юлдуз" билан орден-медаллар ясашга киришган экан. Олтин юлдузни сариқ тунукадан аслига жуда ўхшатиб ясаган, қолган орден-медаллар ҳам аслига монанд, фақат ҳар хил тунукалардан ясалган эди. Олтин юлдуз ва орден-медалларни ўзи ясадими ёки кимдир Нусратнинг илтимосига кўра бу ишни бажардими, ноаниқ эди. Фақат баъзилар Нусрат жиннихонада ётганда аллақандай мияси айниган, лекин соғлигида жуда ўткир заргар бўлган яҳудий билан дўстлашганлигини хотирлашди. Нусрат баъзан ўша яҳудий ҳақида гапириб "қўлигул эди, занглаган тунукани ялтиратиб шунақа нақшли нарсалар ясардики... Врачларнинг ўзлари унга буюртма беришарди", дея дўстининг таърифини келтирганига гувоҳлар кўп эди. Эҳтимол Нусратнинг юлдуз, орден-медаллари ўша яҳудийнинг ишидир, аммо Нусрат улардан ажралмай қўйди. Қишлоқнинг қаерида бирор йиғилиш бўлиши хабарини топса, албатта галифе костюм кўкрагини нишонларга тўлдириб ўша ёққа отланарди. Бориб президиумга чиқиб ўтириб олар, то уни даф қилишгунча анча оворагарчилик, хижолатбозликлар юз берарди. Бора-бора эса тадбир ташкилотчилари албатта ходимларга "Нусратга ҳушёр бўлинглар" дея топшириқ беришни унутмайдиган бўлиб қолишди: Бир-икки ходим бирор йиғилиш арафасида доим олазарак бўлиб унинг йўлини пойлар, ордендор кўриниши билан йўлини тўсиб, алдаб-сулдаб, ялиниб-ёлвориб уйига қайтарарди. Бироқ, Нусрат ҳам тобора айёрлашиб, пихини ёриб борар, ташкилотчилар мутлақо кутмаган жойларда бирдан пайдо бўларди. Албатта, сохта мукофотларини жиринглатиб... Бир гал туман марказидаги Улуғ Ватан уруши қурбонлари хотирасига бағишланган ҳайкал очилиши маросимида у тўсатдан минбарда пайдо бўлди!

Кейинча бу ҳол муҳокама этилганда икки карра сохта қаҳрамоннинг мўътабар минбар тўридан жой эгаллашига махсус хизмат ходимлари сабаб бўлганлиги аниқланди. Туман ички ишлар бўлими ходимлари, бошқа хизматчиларга Нусрат отнинг қашқасидай аён, улар бу тентакни мажлис жойидан етти чақирим наридаёқ тўхтатиб қолишарди. Бу гал тантанага республика, вилоят миқёсидаги раҳбарлар қатнашиши боис маросим хавфсизлигини махсус хизмат ходимлари таъминлашганди. Улар эса Нусратнинг кимлигини билишмасди. Нусрат афтидан маросим бошланишини қайсидир пана жойда пойлаб турган, очилишнинг тантанали музикаси янграши билан орден-медалларни тўсиб турган чопонини шарт ечиб четга улоқтирган ва минбарга ўтиш жойини тўсиб турган махсус хизмат ходимининг рўпарасида ҳозир бўлган. Ходим қарайдики, икки карра Социалистик Меҳнат Қаҳрамони тантанага кеч қолган.

-Отахон! Юринг мен билан!

-Қаерга бошлайсиз, ўғлим!

-Сизнинг жойингиз марказий трибунада!

Трибуна жойида хавфсизликни бошқариб турган унвони баланд махсус хизмат ходими эса Нусратни етаклаб келган ходимга:

-Қаҳрамонни палон секторга олиб чиқинг! – дея буйруқ бериб юборади... Бу секторда республикадан келган раҳбар ходимлар туришарди. Улар орасида бехос пайдо бўлган Нусратга кўзи тушиб, райком биринчи котибининг хуши бошидан учди. Тантанали маросимни очиш учун жуфтланган лаблари бир-бирига ёпишиб, сурма ичган хўроздай товуши чиқмай, ғийқиллаб қолди бечора...

Нусратни кўпчилик танимайдими, халойиқ бирдан шамол урган буғдойзордек чайқалиб кетди. "Шарманда қилди! Шарманда қилди!" қабилидаги қўрқинч ва уятга йўғрилган товушлар чиқди у ер-бу ердан. Кўпчилик эса шодон, баралла кулгу билан қарши олди "қўш қаҳрамон"нинг минбарга чиқишини. Республиканинг раҳбар ходимларидан бири – кўзи хирароқ кекса одам эса ёнида турган Нусрат билан қўшқўллаб сўрашиб, елкасига қоқиб қўйди...

Нусратни кўрибоқ шу ёққа учиб етиб келган райком ходимига у:

-Агар олиб чиқаман десанг халққа қараб дод соламан шу ердан! – дея таҳдид қилди. Ходим тишини ғичирлатиб орқага қайтишга мажбур бўлди. Бу орада махсус хизмат ходимлари ҳам юз берган фавқулодда ҳолатдан воқиф бўлишган, аммо бирон-бир тадбир ишлатишга ожиз эдилар, чунки Нусрат "дод" солса тантананинг бузилиши тайин, бунинг устига у ҳақиқатан ҳам Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, ногирон... Ҳай, ҳай, шундай маросимда уруш ногиронини минглаб одамлар кўз ўнгида ҳайдаб чиқарилганлиги ошкор бўлиб қолсами... "Америка овози"-ю, "Озодлик" радиостанцияларига худо беради-ку...

Шу куни Нусрат "парад қабул қилди", тамойилга кўра пионерлар трибунадаги кишиларга олиб чиққан гулдасталардан бирини олиб, ўша пионернинг пешонасидан ўпди. У пастдаги халойиққа қараб тантанавор қўл силкиганда майдонни гулдурос кулгу қоплар, меҳмонлар эса халқнинг бу қадар шод-хуррамлиги боисини англамай хуноб эдилар...

Эртасига эса Тошкент телевидениесининг "Ахборот" дастурида минбар пойидаги оломонга доҳийларча қўл силкитаётган Нусрат намоён бўлди. Бу унинг энг юлдузли онлари эди. Шу воқеадан сўнг кўп ўтмай уни жиннихонага, ўша яҳудий ошнаси олдига юборворишди. Беш-олти йил у дом-дараксиз кетди. Горбачевнинг қайта қуриши бошланган кезлари эса Нусрат яна "шифо топиб" хонадонига қайтди. Бу сафар энди у "қайта қуриш"нинг фаол тарғиботчиси сифатида майдонга чиқди. Ўтмишда йўл қўйилган хатолар, сталинизм балоси, Брежневнинг турғунлик даври, "инсоний қиёфали Социализм" – хуллас, ўша даврнинг газеталари нима ёзиб, телевизор-радиоси нима деб чулдираса, ўша мавзулар Нусрат нутқларининг ўқ томири эди. Одамларга яна эрмак топилди. Жамоат жойлари, бозор-ўчар, турли йиғилишларда яна ўша машҳур сухандон Левитан овозига ўхшаш салобатли, нутқ мазмунига кўра товланадиган овоз ҳукмрон... Бунинг устига ошкоралик давлат сиёсатига айланган, биров Нусратнинг мушугини пишт дейолмайди. Ўша йилларда хуморидан чиқиб нутқ сўзлади у. Ора-сирада ўтиб кетган Кабир раис ортидан ҳам тош отиб қўярди нутқлари ичида. Бундан марҳум раиснинг яқинлари, айниқса, Тоҳир қаттиқ аччиқланарди.

-Ҳой, шу битта жиннининг оғзини ёпиб қўя олмадиларингми, ношудлар! – дея укаларига писанда қиларди у.

-Ҳа, энди, жинни билан тенг бўламизми? – дея бош лиқиллатишарди укалари. Истиқлолдан сўнг Нусрат янги мавзуларда нутқ сўзлашга ўтди.

-Ғаддор Ленин, қонхўр Сталин, телба-тезик Хрушчёв, мияси суйилган Брежнев, қалтироқ Черненко ва шунга ўхшаганлар бошчилигидаги лаънати большовойлар тўдаси Ўзбекистонни 80 йил исканжада тутди. Ҳа, бойлигимиз, пахта, тилла, газни талашди, Москвага ташишди. Халқ қул бўлди... Яшасин истиқлол!

Хонаки Левитан мустамлака тизими "берган" барча орден-медаллар, қўш юлдузни кўкрагидан юлиб, ахлат ўрага отди. Илгарилари доим "камбағал деҳқон, батрак оиласида туғилганлиги"ни пеш қилиб, кўкракка урадиган Нусрат кутилмаганда катта бобосининг қишлоқдаги энг бой одам бўлгани, қайсидир амакисининг Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб, Бешкўприк жоме масжидида имомлик қилган обрўли уламо ўтганлиги, аждодлари орасида Худоёрхон ўрдасида беклик нашъу намосини сурган улуғлар мавжудлиги ҳақида лоф ура бошлади. "Уламо амаки" ёди тинчлик бермадими, ёки бошқа сабабми, хуллас, кечаги ашаддий даҳрий бир газ эски, чурик бўзни пайтавасимон қирқиб, яғроқ бошга чирмаганича мачитга йўл олди. Етмиш ёшдан ортгунга қадар ҳам ҳар куни обдон қиртишланиб, арчилган тухумдай силлиқ юрадиган башара хаш-паш дегунча тўрвахалтасимон соқол-мўйлов билан қопланди.

**Алишер ИБОДИНОВ**

Тошкент вилояти Бўка туманидаги иқтидорли ўқувчилар лицей-интернати, ҳозирги 53-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1999 йили Зайнутдинов Шарофиддин Салохутдинович номига берилган O'R-Z № 454390 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан 2001 йил 13 июлда "Анта" МЧЖга қарашли давлат рақами 10АН 609 бўлган ЗИЛ-130 русумли машинага тегишли юк ташиш ҳуқуқини берувчи лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Жиззах вилояти пахта уруғчилиги бирлашмаси раиси Неъмат Ёқубовга волидаи муҳтарамаси
**БИБИСОРА АЯнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс – 133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-64-461; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: М.АКРАМОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-0021, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди:

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com